



1842 йили маърифатпарвар шоира Нодирабегим Бухоро амири Насруллохон томонидан икки фарзанди ва 14 ёшли набираси билан бирга катл этилади. Айтиш керакки, Нодирабегим ва Насрулло киёфасида жаҳолат ва маърифат тўқнаш келди. Ўз замонасининг илгор фикрли зиёлиси бўлган Нодирабегим миллат халовати ва адолатни пеша килган амирдан, табиийки, нафратланар эди. Шу боис амир Нодирабегимни Кўкон хонлигида энг хавфли душманларидан бири, деб билганди. Аммо Насруллохон шоирани тўғридан-тўғри катл этолмасди. Шунинг учун, катл воқеаси учун йўлдан адашган Мухаммадалихоннинг хатоларини асос қилиб олишга уринди. Баъзи кимсалар эса бунинг учун унга ёрдам бердилар. Уйлаб топилган бахоналар ўз навбатида амирнинг Хонпошшаойим учун келганига ҳам асос бўла олади.

---

1822 йили отаси Умархоннинг вафотидан кейин тахтга ўтирган Мухаммадалихон ҳокимиятни онаси билан бирга бошқаришга киришади. Лекин у онасининг йўриғига қирмайди. Содик одамларидан осонликча воз кечиб, ёмонлар билан ошно бўлган тўнғич ўғил маишатпарастлик йўлини тутиб, онасига муттасил азоб беради. Кўп бузук ишларни қилган Мухаммадалихон истеъдодли укаси Султонмахмудхоннинг ҳокимиятни тортиб олишидан кўркиб, Шахрисабзга жўнатиб юборади. Нодирабегим бу воқеадан жуда каттик изтироб чекади. Лекин Мухаммадалихон онасининг бу изтиробларига парво ҳам қилмайди, аксинча, аянчли оқибатини ўйламай базмлар уюштиришда давом этаверади. Амир Умархоннинг вафотидан кейин кўпроқ Султонмахмудхонга суяниб қолган Нодирабегим учун ижод қилишдан бошқа бирон-бир чора ва суянчик топилмайди... Нодирабегим, аввало, маърифатпарвар сифатида амир Насруллонинг қилмишларини ҳамиша қузатиб турган. Бирок у амирнинг бунчалар шафқатсизлик қилишини қутмаган бўлса керак. Чунки Насруллохон Нодирабегимни катл этишда бераҳм жаллодларга ҳос бир йўлни тутди. Қиска вақт ичида етарлича ганим орттиришга улгурган Мухаммадалихоннинг душманлари у ҳақда "Иккита тугишган синглиси бўлгани ҳолда ўғай онасига уйланибди", деб игво таркатадилар. Натижада Мухаммадалихонга каттик айблов қўйишади. Аслида эса, Хонпошшаойим Мухаммадалихоннинг ўғай онаси эмасди.

Хонпошшаойим гарчи амир Умархоннинг саройидаги канизаклар каторида юрган бўлсада, амир Умархон у вояга етмасданок оламдан ўтганди.

Хуллас, Бухоронинг Кўкондаги элчиси Мухаммадалихон кофир деб эълон килинган фатвони амир Насруллога келтириб беради. Бухоро амири ва Кўкон хони ўртасида жанг бўлиб ўтади. Жанг да Мухаммадалихон енгилиб, амирга тобелигини тан олишга мажбур бўлади. Галаба килган амир Ўратепа, Корачукум ва Кўкон шаҳарларини Нодирабегимнинг иккинчи ўгли Султонмахмудхон ихтиёрига ўтказди. Бирок амир Бухорога кайтгач, Нодирабегим ўгиллари орасини ислох килади. Натижада Мухаммадалихон Тошкентни ҳам укасига беради. Истилох воқеасидан кўп ўтмай Мухаммадалихоннинг навбатдаги хатолари туфайли Кўконда яна кўзголон кўтарилади. Кўкондаги уламолар ўзларининг халоскори бўлган Бухоро амирини яна Кўконга чакирадилар. Шундай килиб, баъзилар амир Насруллога Нодирабегимни катл этиш учун имконият яратиб берадилар. Ака-уканинг ўзаро келишувини эшитган амир яна Кўконга кайтади. Унинг бостириб келаётганидан хабар топган Мухаммадалихон суюқпи хотини Хонпошшаойим ва болалари билан бош олиб кетмокчи бўлади, лекин кочишга улгурмайди.

Амир Насрулло Кўконга бостириб кирган пайтда Мухаммадалихон хон эмас, балки оддий фукаро эди. У амирнинг биринчи босқинидан кейин, яъни 1841 йилнинг ноябр ойида тахтдан бутунлай воз кечиб, хонликни укаси Султонмахмудхоннинг ихтиёрига топширганди. Хўш, буни яхши билган амир Насрулло нима учун айнан Мухаммадалихонни таъкиб остига олди? Айрим тарихчилар Мухаммадалихон ҳокимият ишига аралашган бўлса керак, деб тахмин килишади. Бирок Мухаммадалихоннинг Хонпошшаойимни олиб кочишга бунчалик ҳаракат килиши асоссиз бўлмаса керак. У вақт тигиз бўлишига қарамасдан, Маргилонда икки кун қолиб кетди. Бу бежиз эмас, албатта. Хотинини каттик севган Мухаммадалихон амирнинг ниятидан хабардор бўлган. У хотинини амирга топшириб қўйишни истамаган. Бундан кўринадики, Насруллонинг Мухаммадалихонни таъкиб килишига сабаб айнан Хонпошшаойим бўлган. Мухаммадалихоннинг катл этилишига эса унинг кофир деб эълон килингани тўғрисидаги фатво баҳона бўлди. Ушбу фатво чиндан ҳам Мухаммадалихонни катл этиш ва унинг гўзал хотинига эга чиқиш ҳамда бошқа мақсадларига эришиш учун ҳалойикнинг кўз ўнгида етарлича асос яратарди. Шу ерда бир савол тугилади. Унинг мантикий жавоби эса воқеани янада ойдинлаштиради. Мухаммадалихон 1841 йил кофир деб эълон килинган эди. Амир ўшандан кейин Кўконга биринчи бор бостириб келди. Хўш, Мухаммадалихон кофир бўлган экан, у нима учун ўша пайтда жазоланмасдан, айнан олти ойдан кейин катл этилди? Ваҳоланки, у энг оғир гуноҳларни тахтдан воз кечгунига қадар содир этганди. Орадаги олти ой ҳақида ўйлар экансиз, амирнинг Хонпошшаойим учун келгани ҳақидаги маълумотни инкор қилолмайсиз. Агар амир Хонпошшаойимни Бухорога олиб келмаганида эди, бундай деб ўйлашимизга балки асос тугилмаган бўларди. Демак, Насруллохон Кўконга бир эмас, бир неча мақсад билан келган. Унинг мақсадларига гов бўладиган ягона душман Нодирабегим эди.

Эри билан кочишга рози бўлмаган Хонпошшаойимнинг қисмати ҳам аянчли кечган. Кизиги шундаки, Кўконни босиб олган Насруллохон анъанага кўра Хонпошшаойимни Бухорога олиб кетиши тайин эди. Мухаммадалихоннинг аҳолини кўриб турган Хонпошшаойим буни яхши билган. Хўш, буни била туриб, нега эри билан кочишга рози бўлмади? Энди савол тугилади. Хонпошшаойим кўп аёллар билан маишат қилган Мухаммадалихондан балки шу тариқа ўч олмокчи бўлгандир? Балки, у кўз ўнгида

бор-будидан айрилган Мухаммадалихондан воз кечиб, амир Насруллонинг саройида малика бўлишни истагандир? Нима бўлганда ҳам, Хонпошшаойим уни аянчли қисматдан асраб қолиши мумкин бўлган эри билан қочишга рози бўлмайди.

Шундан кейин мудҳиш қатл бошланади. Марғилонда қўлга тушган Мухаммадалихонни Қўқонга - голиб амирнинг олдига олиб келишади. Амир ва хон ўртасида қиска савол-жавоб бўлиб ўтади. Амирнинг буйруғи билан Мухаммадалихон қатл этилади. Тўнгич ўғли қатл этилаётган пайтда Нодирабегимнинг қанчалар оғир мусибат остида қолганини тасаввур қилиш мумкин. Амир эса Нодирабегимни аввал руҳан азоблаб, заифаларча фарёд қилишини қутади. Бироқ Мутриб таъбирича, "мардлик ва олижаноблик бобида юз эрдин яхшироқ" бўлган Нодирабегим беҳад азоб чекаётганига қарамасдан фарёд солмайди. Буни қўрган амир шоиранинг иккинчи ўғлини ҳам ўлимга ҳукм қилади. Мутрибнинг "Шохномаи девона Мутриб" асарида келтирилишича, ёш ва умидли шахзода Султонмахмудхон жаллодлардан шафқат сўраб қола қилган пайтда ҳатто жаллодларнинг ҳам қўзларида ёш қалқийди. Аммо улар таассуф билан амирнинг амри вожиб эканлигини айтиб, шахзодани қатл қилишади.

Нодирабегим иккинчи фарзандининг қатлидан кейин телбавор бир хушсиз ҳолатга тушади. Насрулло эса онаизорнинг ҳушидан кетишини фарёд қилишини қутган эди. У қутгандек бўлмайди. Бундан қазабланган амир Нодирабегимнинг 14 ёшли набираси Мухаммадаминхонни ҳам қатлга буюради. Нихоят, шоира фарёд солади... У амирнинг жамики ёвузликларини юзига айтиб, лаънатлайди. Туганмас дардларига малҳам ўрнига ўлимни ихтиёр этади. Нодирабегим аслида бу фарёди билан разолатга қарши исён қўтарган эди. Амир Насрулло эса жаҳолат ғалабасини тасдиқлаш учун Нодирабегимни ҳам жаллодлар қўлига топширади...

Шоира жаҳолатга қарши чиққани учун қатл этилди. Қотиллар бунинг учун шоиранинг ўғли Мухаммадалихондан фойдаландилар. Унинг гўзал хотини Хонпошшаойим ҳам унга бир баҳона бўлди. Ҳуллас, Бухоро амири Насруллохон маърифатпарвар шоирадан жаҳолатнинг ўчини олди. Бироқ жаҳолат устидан маърифат тантана қилди. Нодирабегим қолдирган мерос ҳали ҳамон халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилмоқда.

Иззат АХМЕДОВ тайёрлади.